


## III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ


2018 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 468,6 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 102,2 фоизни, шу жумладан, ялпи дехқончилик маҳсулотлари 120,4 млрд. сўмни (102,2 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 337,8 млрд. сўмни (101,1 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 5,6 млрд. сўмни (102,3 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 2,7 млрд. сўмни (104,8 фоиз), овчилик хўжалигида 0,1 млрд. сўмни (100,2 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 2,0 млрд. сўмни (103,0 фоиз) ташкил қилди.

### 2018 йилнинг январь-мартида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми



Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркиби тузилишида энг юқори улуш дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 92,0 фоиз).

### 2018 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши (фоиз ҳисобида)



- Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Фермер хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

**Дехқончилик.** 2018 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган дехқончилик маҳсулотларининг ҳажми 120,4 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 102,2 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида дехқончилик маҳсулотларининг улуши 26,3 фозни ташкил қилди.

**Ҳосилни йигиб олиш.** Барча тоифадаги хўжаликларда 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига сабзавот 6601 тонна (102,5 фоизга), мева 702 тонна (118,2 фоизга) етишитирildi.

#### **2018 йилнинг январь-мартида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

	<b>Фермер хўжаликлари</b>		<b>Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари</b>		<b>Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар</b>	
	минг тонна	ўсии суръати, фоизда	минг тонна	ўсии суръати, фоизда	минг тонна	ўсии суръати, фоизда
Сабзавотлар	0,1	91,7	6,4	102,1	0,1	234,3
Мевалар ва резаворлар	304,8	99,5	166,1	109,6	6,4	87,7

**2018 йилнинг январь-мартида худудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**



**Чорвачилик.** Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчилилк билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-куватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2018 йилнинг январь-мартида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 337,8 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 102,2 фоизни (2017 йилнинг январь-мартида 106,1 фоизни) ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 73,7 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 1001,1 минг бошга (1,1 фоизга кам), шу жумладан сигирлар 357,1 минг бошга (0,4 фоизга кам), қўй ва эчкилар 835,2 минг бошга (0,1 фоизга), отлар 8914 бошга (1,2 фоизга), паррандалар 6111,8 минг бошга (12,0 фоизга) кўпайди.

**2018 йил 1 апрель ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича  
чорва моллари ва паррандалар**

	<i>Фермер хўжаликлари</i>		<i>Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари</i>		<i>Кишилоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар</i>	
	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>
Йирик шохли корамоллар	49,8	106,2	939,5	98,3	11,8	119,2
<i>ишу жумладан:</i>						
сигирлар	15,7	100,6	338,7	99,6	2,7	100,0
Кўйлар ва эчкилар	42,8	99,3	788,1	100,3	4,3	79,6
Паррандалар	698,1	126,3	3888,2	106,5	1525,5	122,0

Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 93,8 фоизни, фермер хўжаликларида – 5,0 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда – 94,8 ва 4,4 фоизни, кўйлар ва эчкилар – 94,4 ва 5,1 фоизни, паррандалар – 63,6 ва 11,4 фоизни ташкил қилди.

**2018 йил 1 апрель холатига ҳудудлар кесимида  
чорва моллари ва паррандалар**


**Йирик шохли қорамоллар (минг бош)**




**шу жумладан: сигирлар (минг бош)**



**Қўйлар ва эчкилар (минг бош)**



**Паррандалар (минг бош)**



2018 йилнинг январь-мартида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 31,0 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январь-мартига нисбатан 1,8 фоизга кўп), 179,2 минг тонна сут (2,8 фоиз), 69,5 млн. дона тухум (1,9 фоиз), 94 тонна жун (3,3 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Бундан ташқари балиқчилик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, интенсив балиқ етишириш технологияларини вилоятда тадбиқ этилиши, мавжуд сув омборларида “Садок” усулида балиқ боқилиши натижасида январь-март ойларида балиқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажми 2,7 млрд.сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 104,8 фоизни (2017 йилнинг январь-мартида 124,7 фоизни) ташкил қилди.


Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда 257 та фермер ва 39 тадан ошиқ балиқчилик фаолияти билан шуғилланадиган микрофирма ва кичик корхоналар ҳамда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлири томонидан жами 1153 тонна микдорида балиқ (2017 йилнинг январь-мартига нисбатан 0,5 фоизга кўп) овланган.

### **2018 йилнинг январь-мартида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

	<i>Фермер хўжаликлари</i>		<i>Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари</i>		<i>Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар</i>	
	<i>миқдори</i>	<i>ўсии суръати, фоизда</i>	<i>миқдори</i>	<i>ўсии суръати, фоизда</i>	<i>миқдори</i>	<i>ўсии суръати, фоизда</i>
Гўшт, тирик вазнда, минг тонна	1,1	111,1	28,9	101,1	1,0	113,1
Сут, минг тонна	4,6	96,4	173,6	103,0	1,0	100,0
Тухум, млн. дона	7,1	97,4	52,8	100,1	9,6	117,4
Жун, тонна	39	102,6	55	103,8	-	-
Овланган балиқ, тонна	751	100,1	97	102,1	305	101,0

**2018 йилнинг январь-мартида худудлар кесимида асосий турдаги  
чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

**Гўшт (минг тонна)**



**Сут (минг тонна)**



**Тухум (млн. дона)**



**Жун (тонна)**

